

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САЙФУЛЛАЕВ МИРФУЗАИЛ БАХТИЁРОВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ НЕГИЗИДА
РИВОЖЛАНГАН КАРДИОРЕНАЛ СИНДРОМДА ФИБРОЗ
ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА АЛЬДОСТЕРОН - СИНТЕЗА
ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Сайфуллаев Мирфузаил Бахтиёрович

Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромда фиброз жараёнлари ривожланишида альдостерон-синтеза гени полиморфизмининг ахамияти..... 3

Сайфуллаев Мирфузаил Бахтиёрович

Значение полиморфизма генов альдостерон-синтезы в развитии фиброзных процессов при кардиоренальном синдроме, развившемся на фоне хронической сердечной недостаточности..... 21

Sayfullaev Mirfuzail Bakhtiyorovich

Significance of aldosterone-synthese gene polymorphism in the development of fibrotic processes in cardiorenal syndrome that developed against the background of chronic heart failure..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САЙФУЛЛАЕВ МИРФУЗАИЛ БАХТИЁРОВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ НЕГИЗИДА
РИВОЖЛАНГАН КАРДИОРЕНАЛ СИНДРОМДА ФИБРОЗ
ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА АЛДОСТЕРОН - СИНТЕЗА
ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2679 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турақулов Рустам Исматуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабиров Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) энг кўп тарқалган юрак қон-томир касалликларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда «...Европа мамлакатларида аҳоли орасида СЮЕнинг клиник яққол декомпенсацияланган ҳолатлари 2% дан кўпроқ учраб, бошқа популяцион текширувларда у билан касалланиш 4% ни ташкил этган...»¹. Кардиоренал синдром СЮЕнинг кечишини оғирлаштирувчи коморбид ҳолатлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга буйраклар фаолиятини бироз пасайиши кардиал патологияни кечишини оғирлаштириши билан бирга асоратлар юзага келиши ҳамда ўлим хавфини кескин ошишига сабаб бўлиши сўнги йилларда ўтказилган тадқиқотларда ўз исботини топмоқда. Шунингдек, миокард қисқарувчанлигини пасайиши ўз навбатида буйраклар фаолиятига ўта салбий таъсир кўрсатувчи хавф омили эканлиги қайд этилган. СЮЕ негизида кардиоренал синдромни ўзига хос кечиши, патогенезида фиброз жараёнларнинг тутган ўрни, уларни эрта ташхислаш, самарали даволаш ҳамда олдини олиш зарурлиги долзарб муаммо ҳисобланади.

Дунёда СЮЕда кардиоренал синдромни юзага келиши ва ривожланиб боришида фиброз жараёнларини фаоллашиши билан бир қаторда айрим генетик омилларнинг тутган ўрнини баҳолаш, эрта даврларда ташхислаш, даволашга янгича ёндашишларни яратиш бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда СЮЕ мавжуд беморларда кардиоренал синдром ривожланиши сабабларини тўлақонли баҳолаш, унда альдостерон синтаза гени С344Т полиморфизимини аллел ва генотипларини касаллик ривожланишидаги ўрнини асослаш, фиброз жараёнини ифодаловчи альдостерон, галектин-3 (Г-3) ҳамда β_1 -трансформацияловчи ўсиш омили (TGF- β_1) кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш, лаборатор-асбобий текшириш усулларини такомиллаштириш, уни эрта даврларда аниқлаш ва монанд даволаш-профилактика усулларини ишлаб чиқиш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз тиббиёт ходимлари олдида соҳани, шу жумладан юрак қон-томир ва буйрак касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволашни янада мукамаллаштириш ҳамда халқаро стандартлар талабларига мослаштириш борасида қатор вазифалар қўйилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Улар аҳоли орасида юрак қон-томир касалликлари ва улар туфайли юзага келадиган асоратларни эрта ташхислаш, уларни олдини олиш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

¹ G.Ronco et all. Cardio-renal syndromes: introduction. Semin Nephrol. 2022

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий – санитария ёрдамиди аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда беморда бир вақтда юрак ва буйрак дисфункцияси/етишмовчилиги мавжуд бўлса кардиоренал синдром ибораси ишлатилади (Boerrigter G., Lapp H., Burnett J.C. et al. 2009). Бунда беморда аввал буйрак ва сўнгра юрак дисфункцияси/етишмовчилигига олиб келувчи бирламчи буйрак ёки аввал юрак касаллиги ва кейин унинг оқибатида ривожланувчи юрак ҳамда буйрак дисфункция/етишмовчилиги ривожланадиган юрак касаллиги бўлиши мумкин (Сторожаков Г.И., Гендлин Г.Е., Резник Е.В. 2009). Амалий тиббиётда энг кўп сурункали кардиоренал синдромга чалинган беморлар учрайди ва унга аксарият ҳолларда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) турли шакллари негизида ривожланган СЮЕ сабаб бўлади (Резник Е.В. 2011). Унинг юзага келиши ва ривожланиб боришида гемодинамик, нейроэндокрин механизмлар (Медведева Е.А., Шиляева Н.В. 2017), ренин-ангиотензин-альдостерон, симпато-адреналин тизимлар (Кутырина И.М. 2010), оксидланувчи стресс, яллиғланиш, апоптоз, камқонлик (Bleeker M.W., De Groot P.C., Pawelczyk J.A. et al. 2015) ва бошқа қатор омиллар аҳамиятга эга. Санаб ўтилган омиллар тўғрисида тегишли илмий манбааларда қатор бир-бирини тўлдирувчи маълумотлар мавжуд ва уларнинг айримларида альдостеронга ҳам алоҳида аҳамият берилган (E.V. Reznik, I.G. Nikitin. et al. 2019).

Республикада ҳам СЮЕ етишмовчилиги оқибатида ривожланган сурункали буйрак касаллиги, яъни кардиоренал синдромни ташхислаш, унда камқонлик ва фиброз жараёнларини ўрганиш ҳамда даволашга бағишланган илмий ишлар жаҳон андозалари талабларига мос равишда амалга оширилмоқда. Бу борада Гадаев А.Г., Қурбонов А.К. ва Туракулов Р.И. ларнинг 2020-2022 йилларда ўтказилган илмий тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга.

СЮЕ ва у билан боғлиқ бўлган кардиоренал синдромда гиперальдостеронизмни юзага келишида РААТ ҳамда унинг таркибий қисмларини фаоллашуви жигарда альдостерон клиренсини секинлаштириш ҳам сабаб бўлади. Оқибатда альдостероннинг плазмадаги ярим ҳаёт даври сезиларли даражада, яъни 30-35 дақиқадан 70-100 дақиқага ошади ва қон зардобдаги гормоннинг миқдори 3-4 баробар кўпайиб кетади (Целуйко В.И., Лозовая Т.А. 2015, Бакалец Н.Ф. 2012). Уларда гиперальдостеронизм фибробластлар

пролиферацияси, коллаген синтези ва деградациясини бузилиши, тўқима ўсиш омили, матрикс металлопротеиназа ҳамда унинг тўқима ингибитори ферментатив тизимига таъсир қилиб юрак қон-томир тизими, жигар ва буйракда органик (фиброз) ўзгаришлар ривожланишини янада кучайтиради (Целуйко В.И., Лозовая Т.А. 2014). Беморларда юракдаги ўзгаришлар билан параллел равишда гипоксия, гемодинамик ва бошқа қатор омиллар таъсирида буйракда ҳам фиброз жараёнлар ривожланади.

Маълумки, ички аъзолардаги фиброз жараёнларини аниқлашнинг энг ишончли усули биопсия ҳисобланади. Лекин у инвазив ва травматик бўлганлиги сабабли беморларнинг ҳаёт даврида ўтказиш қатор мураккабликлар туғдиради. Шу сабабли улардаги, жумладан юрак ва буйракдаги фиброз жараёнларни аниқлашда ҳам унинг маркерларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларда қон зардобиддаги галектин-3 юрак қон-томир касалликларида бириктирувчи тўқиманинг зарарланиши ва фиброз жараёнларини ривожланишида муҳим ўрин тутиши қайд этилиб, уни коллаген тизими, миокардиал фиброз ва юрак ремоделланишини ифодаловчи биологик маркер сифатида амалиётда қўллаш тавсия этилган (Дзяк Г.В., Горовенко Н.Г., Колесник Т.В. и др. 2017). Шунингдек, тубулоинтерстициал жараёнлар ривожланишида муҳим ўрин эгаллайдиган профибротик цитокин TGF- β_1 тубулоинтерстициал фиброз кўрсатувчи маркер сифатида фойдаланиш амалий тиббиётда жорий қилинмоқда. Лекин биз таҳлил қилган адабиётларда СЮЕда юқорида қайд этилган фиброз маркерлари билан альдостерон ҳамда унинг генлари ўртасидаги алоқалар етарлича ўрганилмаган. Шу билан бирга СЮЕ негизида ривожланган кардиоренал синдромда альдостероннинг юрак ва буйрак замонавий фиброз маркерлари ҳамда уларни альдостерон синтаза гени полиморфизми ўзгаришлари билан муштаракликда ўрганиш амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг у бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1500214-сон «Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромда фиброз жараёнлари ривожланишида альдостерон микдори ва альдостерон синтаза гени полиморфизмининг аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

СЮЕ негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларда қон зардобиддаги фиброз жараёнлари маркерлари (альдостерон, галектин-3, TGF- β_1) кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш;

СЮЕ негизида ривожланган кардиоренал синдромда қон зардобиддаги альдостеронни диагностик аҳамиятини баҳолаш;

СЮЕ негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларда CYP11B2 гени C344T полиморфизминини учраш даражасини баҳолаш ҳамда уни фиброз маркерлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

СЮЕ негизда ривожланган кардиоренал синдромнинг муқобиллаштирилган давосига оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

СЮЕ негизда ривожланган кардиоренал синдромда ўрганилган кўрсаткичлар асосида даволашга дифференциал ёндашишни беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2022 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг кардиология, кардиореанимация ва кардиореабилитация бўлимларида даволанган юрак ишемик касаллиги (ЮИК) оқибатида юзага келган СЮЕ негизда ривожланган кардиоренал синдром мавжуд жами 120 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг веноз қони зардоби, иммунологик ва биокимёвий ҳамда генетик таҳлиллар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида клиник, биокимёвий (қон зардобидаги мочевина, креатинин), иммунофермент (альдостерон, галектин-3, цистатин С, TGF- β_1), асбобий (ЭКГ, ЭхоКГ), генетик (CYP11B2 гени C(344)T полиморфизими) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

СЮЕнинг қон отиш фракцияси турлича бўлган типлари негизда ривожланган кардиоренал синдром шаклланишида альдостерон кўрсаткичларининг аҳамияти аниқланган;

альдостерон синтаза гени полиморфизмининг юрак ва буйрак фиброз маркерлари альдостерон, TGF- β_1 , галектин-3 билан боғлиқлик даражаси асосланган;

СЮЕ турли қон отиш фракцияси типлари билан альдостерон синтаза гени полиморфизми ўртасидаги боғлиқлик даражаси аниқланган;

минералокортикоид рецепторлари антогонистларини кардиоренал синдромга таъсири самарадорлиги солиштирма баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

СЮЕни турли гемодинамик типларида қон зардобидаги альдостерон кўрсаткичларини турлича эканлиги минералокортикоид рецепторлари антогонистлари дозасини монанд танлаш имконини бериши аниқланган;

альдостерон синтаза генлари полиморфизми ва фиброз маркерларини солиштирма баҳолаш юрак ва буйракдаги фиброз жараёнларининг ривожланиши ирсият билан боғлиқлиги ҳамда уларнинг прогностик аҳамияти асосланган;

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда минералокортикоид рецепторлари антогонистлари вакилларини қўлланилишидаги даво самарадорлиги солиштирма таҳлили тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда фойдаланилган ёндашувлар ва усуллар, илмий маълумотларнинг олинган натижалар билан муштараклиги, ўтказилган текширувларда услубий ёндашишнинг монандлиги, тадқиқотда жалб этилган беморлар сонининг етарлилиги, замонавий статистик текширишлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларни жаҳон ва мамлакатимиздаги маълумотлар билан солиштирма ўрганилганлиги, хулоса ҳамда натижаларнинг имтиёзли ишланмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СЮЕ негизида ривожланган кардиоренал синдромда альдостерон кўрсаткичлари билан фиброз маркери галектин-3 ни биргаликда баҳолаш юрак ҳамда буйракда фиброз жараёнлари ривожланишида альдостеронни тутган ўрнини аниқлаш имконини беради ҳамда қайд этилган фиброз маркерларини альдостерон синтаза гени полиморфизми билан солиштирма ўрганиш юрак ва буйракда фиброз жараёнлари ривожланишида геннинг қайси аллели аҳамиятга эгаллиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши кардиоренал синдромда юрак ва буйракдаги фиброз ўзгаришларни эрта ташхислаш ва минералокортикоид рецептори антогонисти (МКРА) верошпирон ҳамда эплеренон билан монанд муолажалар олиб бориш имконини яратиши ўз навбатида юрак ва буйракдаги патологик жараёнларни секинлаштиради, беморлар ҳаёт сифатини яхшилади ҳамда ўлим ҳолатлари олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромда фиброз жараёнлари ривожланишида альдостерон ва альдостерон синтаза гени полиморфизмининг аҳамияти бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

кардиоренал синдром мавжуд беморларда буйраклардаги фиброз жараёнларни даволашда минералокортикоид рецепторлари антогонистларининг ўрни бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Кардиоренал синдромда буйраклардаги фиброз жараёнларни даволашда минералокортикоид рецепторлари антогонистларининг ўрни” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 09 декабрдаги 8н-з/662-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада СЮЕ мавжуд беморларда кардиоренал синдром ривожланишини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш, ҳамда юрак ва буйракдаги фиброз жараёнларини баҳолаш имконини берган;

сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромда фиброз жараёнлари ривожланиши бўйича олинган илмий натижалар Соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси кардиология, кардиореанимация ва кардиореабилитация бўлимларида, Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 12 январдаги 08-00345 - сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларининг амалиётга жорий этилиши сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромни ташхислаш ва даволаш муддатларини қисқартиришга, асоратларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та журнал

мақоласи, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, материал ва текшириш усулларининг изоҳи, шахсий текшириш натижалари, олинган натижалар муҳокамаси, хулоса ва амалий кўрсатма ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 105 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари, олинган хулосаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кардиоренал синдромда фиброз жараёнларини баҳолашда альдостерон ва альдостерон синтаза гени полиморфизми ҳамда антифибротик дори воситалар самардорлиги**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларни ташхислаш ва даволашда эришилган ютуқлар, камчиликлар ва касалликнинг кечилишига замонавий қарашлар акс эттирилган. Унда кардиоренал синдромда юрак ва буйраклардаги фиброз маркерлари динамикада ўзгаришининг асосий омиллари, ривожланиш механизмлари ҳамда сабаблари бўйича замонавий қарашлар таҳлили ўтказилган. Бу бобда адабиётлар маълумоти умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотга 120 нафар СЮЕ ташхиси қўйилган ва унинг негизида кардиоренал синдром ривожланган беморлар олинди. Улар клиник – гемодинамик ҳолати ва ЭхоКГ текширув натижаларига кўра, 3 гуруҳга ажратилиб, биринчи гуруҳни 40 нафар (ўртача ёш $58,4 \pm 0,8$; 13 нафар – СЮЕ II ФС, 9 эркак ва 4 аёл; 27 нафар – СЮЕ III ФС, 15 эркак ва 12 аёл) чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧҚҚОФ) паст ($< 40\%$) беморлар, иккинчи гуруҳни 40 нафар (ўртача ёш $56,1 \pm 0,85$; 16 нафар – СЮЕ II ФС, 12 эркак ва 4 аёл; 24 нафар – СЮЕ III ФС, 11 эркак ва 13 аёл) ЧҚҚОФ қисман пасайган ($41 - 49\%$) СЮЕ мавжуд беморлар, учинчи гуруҳни 40 нафар (ўртача ёш $55,1 \pm 0,6$; 19 нафар – СЮЕ II ФС, 13 эркак ва 6 аёл; 21 нафар – СЮЕ III ФС, 13 эркак ва 8 аёл) ЧҚҚОФ сақланган ($> 50\%$) СЮЕ мавжуд беморлар ташкил этди. Назорат гуруҳи сифатида 40 нафар амалий соғлом кўнгилли шахслар олинди.

Кузатувда бўлган беморларда СЮЕ ташхиси ва унинг функционал синф (ФС) ҳамда кардиоренал синдром уларнинг шикоятлари, анамнези, объектив кўрик ва лаборатор-асбобий текширувлар асосида, 2016 йилда Европа

кардиологлар уюшмаси томонидан янгиланган “Ўткир ва сурункали юрак етишмовчилигини ташхислаш ва даволаш бўйича тавсиялар” ҳамда Нью - Йорк кардиологлар уюшмаси (New - York Heart Association, 1964) мезонларига кўра аниқланди.

Шунингдек, СБК босқичлари КФТ даражасидан келиб чиқиб (KDIGO-2012 й) 5 даражага ажратилди. Биз СБКнинг С1, С2 ва С3а категориясига кирган беморларни кузатувга олдик. Шу ўринда уларнинг барча гемодинамик типларида СБК оғирлик даражасидагилар сони бир хилда эканлигини қайд этиш лозим. Бунда қондаги калий миқдори гиперкалимия юзага келиш эҳтимолини инобатга олиб мунтазам кузатиб борилди.

Кузатувдаги барча беморларда даволаш бошланишидан олдин ва 6 ойдан сўнг умумклиник, биокимёвий ва иммунофермент таҳлиллар – қон зардобдаги фиброз маркерлар: галектин-3, альдостерон, β_1 трансформацияловчи ўсиш омили ва асбобий текширувлар - ЭКГ, эхокардиография (ЭхоКГ) ўтказилиб, уларнинг клиник ҳолати (В.Ю. Мареев модификацияси, 2000), ҳаёт сифати (Миннесот сўровномаси, Т. Rector, J. Cohn, 1985), жисмоний юкламаларга чидамлилиги (олти дақиқалик юриш синамаси) баҳоланди. ЭхоКГ трансторакал услубда PHILIPS Affiniti 70 ускунаси (Германия), секторли S 5–1Мгц ли ўзатгичда амалга оширилди. Иммунофермент таҳлиллар Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида, генетик таҳлиллар Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт маркази молекуляр генетик лабораториясида бажарилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда SPSS 18.0 (SPSS Inc., Chicago, IL) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланилди. Котегориал ўзгарувчилар сон сифатида кўрсатилган (фоизларда). Параметрик бўлмаган статистика шунга мувофиқ амалга оширилди. Гуруҳлар ўртасида таққослашлар Манн-Уитни тести ёрдамида доимий ўзгарувчилар ва тоифали ўзгарувчанлар учун Хи квадрат ёрдамида баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончлилиқ жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларнинг клиник-лаборатор ва асбобий текшириш натижаларини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида СЮЕ турли гемодинамик типлари негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморлар клиник-лаборатор, асбобий кўрсаткичлар ўзаро қиёсий ўрганилди.

Тадқиқотга жалб этилган беморлар дастлаб СЮЕ нинг гемодинамик типларига кўра 3: ЧҚҚОФ паст, қисман пасайган ва сақланган гуруҳларга бўлиниб, уларнинг клиник белгилари бўйича гуруҳлар ўртасида солиштирма таҳлил ўтказилди.

Кузатувдаги беморларнинг клиник белгилари таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди. Гуруҳларда касалликнинг клиник кўринишини фарқлаш мақсадида беморларнинг шикоятлари, клиник ҳолати, объектив

кўриқ натижалари ва махсус сўровнома ҳамда синамалар асосида олинган хулосалар қиёсий ўрганилди (1- жадвал).

1 – жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларнинг клиник тавсифи (%)

Кўрсаткичлар	ЧҚҚОФ паст СЮЕ, 1 – гуруҳ, n=40	ЧҚҚОФ қисман пасайган СЮЕ, 2 – гуруҳ, n=40	ЧҚҚОФ сақланган СЮЕ, 3 – гуруҳ, n=40
Умумий ҳолсизлик	100%	100%	100%
Бош оғриғи	65%	50%*	35%***#
Кўнгил айнаши	35%	30%	32,5%
Қусиш	22,5%	20%	20%
Иштаҳа пасайиши	85%	80%	82,5%
Оғиз қуриши	25%	27,5%	22,5%
Тери кичиши	15%	12,5%	15%
Ҳансираш	100%	100%	100%
Тахикардия	92,5%	87,5%	85%
Юрак уриб кетиши	80%	75%	70%
Тез чарчаш	90%	80%*	55%***###
Шиш	85%	72,5%**	57,5%***#
Йўтал	35%	22,5%*	10%***#
Буйин веналари шиш	45%	27,5%**	15%***#
Ўпкада нам хириллаш	45%	30%*	15%***#
Кардиомегалия (Кардио торакал индекс > 50%)	100%	55%	27,5%
Жигар катталашуши	60%	57,5%	55%
Клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (балл)	7,9±0,2	7,6±0,2**	7,1±0,2###
Ҳаёт сифати кўрсаткичи (балл)	54,7±1,3	54,2±1,2	54,0±1,2###
6 дақиқали юриш синамаси (метр)	210,8±10,1	229,6±12,8	234,1±13,1

Изоҳ: 1 – ва 2 - гуруҳларда кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$; *** - $p < 0,001$; 1 – ва 3 - гуруҳларда кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: # - $p < 0,05$; ## - $p < 0,01$; ### - $p < 0,001$; n – сон.

1- жадвалда келтирилганидек, сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларнинг асосий шикоятларидан бири умумий ҳолсизлик ва ҳансираш бўлиб, бизнинг кузатувимиздаги барча гуруҳ беморларда дастлаб ушбу шикоят борлиги аниқланиб, улар гуруҳларда фарқланмади.


Тез чарчаш ва бош оғриғи иккинчи гуруҳга нисбатан биринчи гуруҳ беморларда мос равишда (80% га қарши 90%) 10% ва (50% га қарши 65%) 15% $p < 0,05$, учинчи гуруҳга нисбатан эса мос равишда (55% га қарши 90%) 35% ва (35% га қарши 65%) 30% $p < 0,001$ ишончли кўп учраши қайд этилди.

Шунингдек, шиш, тунги йўтал, буйин веналарининг шиши, ўпкадаги нам хириллашлар каби белгалар биринчи гуруҳ беморларда қолган гуруҳ беморларга нисбатан ишончли (мос равишда иккинчи гуруҳга нисбатан $p < 0,01$, $p < 0,05$, $p < 0,01$ $p < 0,05$ ва учинчи гуруҳга нисбатан юқоридаги белгилар $p < 0,01$) кўп учраши аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотимиз СЮЕ ни буйрак дисфункцияси билан кечиши касалликнинг оғир гемодинамик типларини клиник белгиларини яққол оғирлаштирувчи омил эканлигини кўрсатди.

Тадқиқотга жалб этилган беморларда уларнинг гемодинамик типларига қараб уларни клиник ҳолати, ҳаёт сифати кўрсаткичлари балларда ва жисмоний юкламага чидамлик кўрсаткичи метрларда баҳоланди. Бунда айниқса чап қоринча қон отиш фракцияси сақланган ва пасайган гуруҳларда ишончли фарқ ($p < 0,05$) аниқланди. Қон отиш фракцияси камайишига муштарак ҳолда беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати кўрсаткичлари ва олти дақиқали юриш синамаси салбий томонга ўзгариб борди. Аниқланган кўрсаткичлар кардиоренал синдром мавжудлиги беморларнинг функционал ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигига сезиларли салбий таъсир этишини тасдиқлайди.

Кузатувда бўлган ҳар учала гуруҳдаги беморларда организмдаги коллаген алмашинуви мувозанатида бевосита иштирок этувчи нейрогормонлар қатори галектин-3 (Г-3), альдостерон ва TGF- β_1 ларнинг миқдорий кўрсаткичи назорат гуруҳи кўрсаткичларидан статистик аҳамиятли даражада юқорилиги аниқланди (1-расм).



1 – расм. Кардиоренал синдром мавжуд беморларда фиброз омилларининг гуруҳлар ўртасидаги миқдорий кўрсаткичлари солиштирма таҳлили

1 – расмда келтирилганидек, ҳар учала гуруҳларда ҳам қон зардобидаги Г-3, альдостерон ва TGF- β_1 миқдорини СЮЕ нинг қон отиб бериш фракция пасайиб борган сари уларнинг қон зардобидаги улуши ошиб бориши кузатилди. 1 – гуруҳдаги беморларда қон зардобидаги Г-3 миқдори $25,04 \pm 0,18$ нг/мл (референс кўрсаткичдан 2,9 баробар юқори, $p < 0,001$) иккинчи гуруҳда $23,43 \pm 0,23$ нг/мл (референс кўрсаткичдан 2,7 баробар юқори, $p < 0,001$) ни ва учинчи гуруҳда эса $20,81 \pm 0,2$ нг/мл (референс кўрсаткичдан 2,4 баробар юқори, $p < 0,001$) ни ташкил этди.

Организмдаги ва энг аввало юрак ҳамда буйракдаги фиброз жараёнларини ишончли фиброз маркери ҳисобланган альдостерон ўтказилган қатор тадқиқотларда СЮЕ мавжуд беморларда миокарднинг ремоделланиши ва фиброз жараёнлари авж олиб боришида бевосита иштирок этувчи қон зардобидаги

миқдорини ошиши қайд этилган бўлиб, биз ўтказган тадқиқотда ҳам барча беморларда ушбу гормоннинг миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларидан статистик аҳамиятли даражада юқорилиги аниқланди. Альдостерон 1 – гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичидан 8,3 баробар (717,9±16,6 пг/мл) га ошган (p<0,001). 2 – гуруҳдаги беморларда ушбу биологик маркер назорат гуруҳи кўрсаткичидан 7,6 баробар (657,03±15,1 пг/мл) га ошган (p<0,001). 3 – гуруҳдаги беморларда эса альдостероннинг қон зардобидаги кўрсаткичи назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 6,9 баробар (607,0±15,6 пг/мл) ошганлиги (p<0,001) қайд этилди.

Инсон организмидаги, хусусан буйрак интерстициал тўқималаридаги фиброз жараёнларининг ишончли маркерларидан бири TGF-β₁ ҳисобланади. Шунинг учун СЮЕ турли гемодинамик типлари негизда ривожланган кардиоренал синдромда унинг қондаги кўрсаткичларини солиштирма ўргандик. Кузатувдаги 1 – ва 2 – гуруҳдаги беморларда буйраклардаги фиброз жараёнларини англатувчи TGF-β₁ нинг қон зардобидаги миқдори 1 – гуруҳдаги беморларда 2673,0±4,8 пг/мл (назорат гуруҳи кўрсаткичидан 7,42 баробар юқори) иккинчи гуруҳда 2620,5±6,6 нг/мл (назорат гуруҳи кўрсаткичидан 7,27 баробар юқори) ни ва учинчи гуруҳда эса 2541,2±2,7 нг/мл (назорат гуруҳи кўрсаткичидан 7,05 баробар юқори) ни ташкил этди (2-жадвал).

2 – жадвал

Гуруҳларда фиброз маркерларини ўзаро корреляцион боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	ЧҚҚОФ паст СЮЕ, 1 – гуруҳ, n=40	ЧҚҚОФ қисман пасайган СЮЕ, 2 – гуруҳ, n=40	ЧҚҚОФ сақланган СЮЕ, 3 – гуруҳ, n=40
Галектин – 3 + Альдостерон	r=0,65 p<0,001	r=0,52 p<0,001	r=0,62 p<0,001
Галектин – 3 + TGF-β ₁	r= 0,36 p<0,01	r=0,12 p=ИЭ	r= 0,23 p=ИЭ
Альдостерон + TGF-β ₁	r= 0,35 p<0,01	r= 0,26 p<0,05	r= 0,27 p<0,05

Изоҳ: ИЭ – кўрсаткичлар фарқи ишончли эмас

Кузатувдаги беморларда Г-3 ва юқорида келтирилган бошқа фиброз кўрсаткичлари ўртасида ўзаро корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинганда, Г-3 ни альдостерон билан кузатувдаги ҳар учала гуруҳ беморлари ўртасида (мос равишда r=0,65, r=0,52 ва r=0,62) кучли ижобий корреляцион боғлиқлик аниқланди (p<0,001).

Кардиоренал синдром мавжуд беморларда касалликнинг ноҳуш кечишини англатувчи альдостеронни TGF-β₁ билан корреляцион боғлиқлиги ўрганилганда, ҳар учала гуруҳ беморлари ўртасида (мос равишда r=0,35, r=0,26 ва r=0,27) ижобий корреляцион боғлиқлик аниқланди (p<0,001).

Тадқиқотга жалб этилган беморларда Г-3 миқдорини TGF-β₁ кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинганда 1 - гуруҳдаги беморларда Г-3 ни TGF-β₁ билан кучсиз мусбат (r=0,36, p=0,01), 2 - ва 3-гуруҳлардаги беморларда ишонарли корреляцион боғлиқлиги аниқланмади. Шундай қилиб, гуруҳлар ўртасида фиброз маркерларини таҳлили шуни кўрсатадики, СЮЕ негизда ривожланган кардиоренал синдром мавжуд

беморларда чап қоринча қон отиш фракцияси пасайишига монанд ушбу маркерлар ошиб бориши аниқланди. Биз ўрганган гуруҳларда фиброз маркерлари кўрсаткичларини мавжуд адабиётлардаги рақамлардан фарқ қилишини кузатувимиздаги беморларда нафақат юрак, балки буйракларда ҳам кучайиб бораётган фиброз жараёнлари билан боғлаш мумкин.

Шунингдек, фиброз маркерлар орасида альдостероннинг Г-3 билан ҳам TGF- β_1 билан ҳам мусбат корреляцион боғлиқлиги қайд этилиб, ушбу касалликда унинг ташхисий аҳамияти юқорилгини кўрсатди.

Кузатувдаги беморларда буйракларнинг функционал ҳолати қондаги мочевина, креатинин ва КФТ солиштирма ўрганилди. Унда жалб қилинган беморларда креатинин миқдори гуруҳлар ўртасида мос равишда $155,1 \pm 2,6$, $148,2 \pm 3,2$ ва $146,1 \pm 4,3$ ммоль/л ни ташкил этиб, улар ўртасида ишончли фарқ ($p > 0,05$) аниқланмади.

Креатинин ёрдамида аниқланган коптокчалар фильтрацияси кўрсаткичлари ҳам барча гемодинамик типларда мос равишда $49,4 \pm 0,6$, $54,8 \pm 0,6$ ва $55,4 \pm 0,4$ мл/дақиқа/1,73 м² ни ташкил этиб, гуруҳлар ўртасида фарқлар ($p > 0,05$) қайд этилмади.

Маълумки, сўнги йилларда буйрак функционал ҳолатини баҳолашда цистатин С га алоҳида аҳамият берилмоқда. Адабиётлар шарҳида баён қилганимиздек у креатининга нисбатан қатор устунликларга эга. Шунинг учун биз кузатувимиздаги беморлар қонида цистатин С кўрсаткичларини аниқладик. Чап қоринчанинг қон отиш фракцияси паст, қисман пасайган ва сақланган гуруҳлари кардиоренал синдром билан кечганда унинг қон зардобидаги миқдори мос равишда $1,98 \pm 0,03$, $1,6 \pm 0,001$ ва $1,39 \pm 0,01$ мг/мл ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич барча гуруҳларда референс кўрсаткичларга нисбатан юқори эканлиги билан бирга, тадқиқот гуруҳлари ўртасида ҳам юқори ишончли фарқ ($p < 0,001$) аниқланди. Бу эса ўз навбатида цистатин С ни креатининга нисбатан СБК тўғрисида кўпроқ маълумот беришини тасдиқлади.

Тадқиқодга жалб қилинган беморлар гуруҳлари ўртасида қон зардобида электролитлар кўрсаткичлари ўзаро солиштирилганда, юқори меъёрий чегарада сақланганлиги айниқса 1- гуруҳ беморларда қолган гуруҳдагиларга нисбатан қон зардобидаги калий миқдори юқори меъёр чегарасида турганлиги, аммо гуруҳлар ўртасида фарқлар аниқланмаганлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромда фиброз жараёнлари ривожланишида альдостерон синтаза гени полиморфизмининг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида касалликнинг ривожланишида СYP11B2 ген полиморфизмини тутган ўрни ёритилган.

Тадқиқотимизнинг ушбу босқичида СЮЕнинг турли гемодинамик типлари негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларда фиброз жараёнлари ривожланишида номзод генларни аҳамиятини ўргандик. Кузатувдаги СЮЕ негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларда СYP11B2 генининг С344Т полиморфизмини ТТ, СТ ва СС генотиплари учраш сони аниқланганда, уларнинг тарқалганлиги мос равишда 53,3%, 38,3% ва 8,3% ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида эса С344Т

полиморфизмининг генотиплари 10% - ТТ, 42,5% - СТ ва 47,5%- СС шаклда учради. Кардиоренал синдром мавжуд беморларда ушбу ген **С344Т** полиморфизмининг С аллели 37,5%, Т аллели эса 62,5% ҳолатларда учраган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткичлар тескари нисбатда, яъни С аллели 68,7%, Т аллели 31,3% ҳолларда аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

СҮР11В2 генини С344Т полиморф маркерининг аллел ва генотипларининг кардиоренал синдром мавжуд беморлар ва назорат гуруҳида тарқалиш даражаси

Аллел ва генотиплар	Аллел ва генотипларнинг учраш сони				RR	95% CI	OR	95% CI
	СЮЕ беморлар		Назорат Гуруҳи					
	abs.	(%)	abs.	(%)				
С	66	37,5	55	68,7	0,63	0,487; 0,809	0,40	0,241; 0,677
Т	110	62,5	25	31,3	2,032	1,463; 2,823	3,790	2,107; 6,815
С/Т	46	38,3	17	42,5	0,90	0,589; 1,381	0,84	0,407; 1,740
Т/Т	64	53,3	4	10,0	5,33	2,074; 13,717	10,2	3,446; 30,700
С/С	10	8,3	19	47,5	0,175	0,089; 0,345	0,1	0,041; 0,246

Изоҳ – қисқартмалар ушбу ва кейинги генлар бўйича тузилган жадваллар учун: RR (инглизча - relative risk) - кўрсаткич >1 бўлганда, ушбу гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан касалликни ривожланиш эҳтимоли юқорилигини англатувчи нисбий хавф; OR (инглизча - odds ratio) - кўрсаткич >1 бўлганда, ушбу гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан касалликни ривожланиш эҳтимоли юқорилигини англатувчи нисбий имконият; CI (инглизча - confidence interval) 95% - ишончилиги 95%, бунда ҳар иккала кўрсаткич 1 дан юқори ёки паст бўлганда, кўрсаткичлар ишончилиги $p < 0,05$ га тенг бўлади;

ТТ генотип ва Т аллел кардиоренал синдром мавжуд беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда (10% га қарши 53,3%) 5,3 [OR - 10,2; С.І.- 3,446 – 30,700;] ва (31,3% га қарши 62,5%) 1,9 [OR – 3,790; С.І.- 2,107 – 6,815;] баробар кўп учраб, улар иштирокида касалликнинг ривожланиш эҳтимоли ишончли даражада юқорилиги маълум бўлди. СС генотип ва С аллел кардиоренал синдром мавжуд беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда (47,5% га қарши 8,3%) 5,7 [OR– 0,1; С.І.- 0,041 - 0,246;] ва (68,7% га қарши 37,5%) 1,8 [OR– 0,4; С.І.- 0,241 - 0,677;] баробар кам учраб, касаллик юзага келишида ишончли даражада протектив самарага эгаллиги маълум бўлди. СТ генотипни учраш даражаси касалликни юзага келиши ва кечишида оралик ҳолатни эгаллаб, уни кардиоренал синдром ривожланиш хавфи билан ишончли боғлиқлиги аниқланмади 1,1 [OR– 0,84; С.І.- 0,407 – 1,740;].

СҮР11В2 гени С/Т полиморфизмини аллел ва генотипларини СЮЕнинг паст, қисман пасайган ва сақланган гемодинамик типлари негизда ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларда тарқалганлик


даражаси қиёсланганда (4- жадвал), С аллели ва СС генотиби мос равишда 1 - гуруҳда 2 - гуруҳга нисбатан (30% га қарши 36,3 %) 6,3% ($p>0,05$) ва (12,5% га қарши 22,5%) 10 % ($p<0,05$), 3 - гуруҳга нисбатан (30% га қарши 36,3%) 6,3% ($p<0,01$) ва (12,5% га қарши 20%) 7,5% ($p<0,05$) га ишонарли даражада кам учради. Т аллел ва ТТ генотип мос равишда, 1-гуруҳда 2 - гуруҳга қараганда (70 % га қарши 63,7%) 6,3% ($p<0,05$) ва (52,5% га қарши 50%) 2,5% ($p>0,05$), 3- гуруҳга нисбатан (70% га қарши 63,7%) 13,7% ($p<0,05$) ва (52,5% га қарши 47,5%) 5,0 % ($p>0,05$) га кўп учради. Олинган статистик маълумотларга кўра, СYP11B2 гени С/Т полиморфизмининг ТТ генотиби ва Т аллели 1-гуруҳ беморларда тадқиқотнинг 2- ва 3-гуруҳларига қараганда кўпроқ учраши аниқланди. Аксинча, С аллел ва СС генотип тадқиқотнинг 3- гуруҳида 1- ва 2- гуруҳларга қараганда кўп миқдорда учраши қайд этилди.

4 – жадвал

СЮЕ нинг гемодинамик фенотипларида СYP11B2 генининг С/Т полиморфизми аллел ва генотипларини учраш даражаси

Аллел ва генотип	Аллел ва генотиплар учраши, %		P	Аллел ва генотиплар учраши, %		P	Аллел ва генотиплар учраши, %		P
	1 - гуруҳ	2 - гуруҳ		1 - гуруҳ	3 - гуруҳ		2 - гуруҳ	3 - гуруҳ	
С	30,0%	36,3%	$>0,05$	30,0%	36,3%	$>0,05$	36,3%	36,3%	$>0,05$
Т	70,0%	63,7%	$<0,05$	70,0%	63,7%	$<0,05$	63,7%	63,7%	$>0,05$
С/Т	35,0%	27,5%	$>0,05$	35,0%	32,5%	$>0,05$	27,5%	32,5%	$>0,05$
Т/Т	52,5%	50,0%	$>0,05$	52,5%	47,5%	$>0,05$	50,0%	47,5%	$>0,05$
С/С	12,5%	22,5%	$<0,05$	12,5%	20,0%	$<0,05$	22,5%	20,0%	$>0,05$

Ушбу генотип сақловчи беморлар кесимида зардобдаги альдостерон миқдори таққослама ўрганилди (2-расм).



2 - расм. Альдостерон синтаза гени С/Т полиморфизми генотипларини ташувчи кардиоренал синдром мавжуд беморлар ҳамда соғломларда зардобдаги альдостерон миқдорини солиштирма таҳлили

Гуруҳлар ўртасида альдостерон миқдорини солиштирма таҳлили шуни кўрсатдики (2-расм), СYP11B2 гени С/Т полиморфизмининг СС генотипини

сақловчи СЮЕ турли гемодинамик типлари негизда кардиоренал синдром мавжуд ва назорат гуруҳидагилар қон зардобадаги альдостерон миқдори СТ ва ТТ генотипларини сақловчи беморларга нисбатан пастлиги аниқланди. Альдостероннинг юқори миқдорларда учраши ҳар иккала гуруҳ ўртасида ТТ генотипини сақловчиларда кузатилди.

Диссертация ишининг «**Кардиоренал синдром мавжуд беморларда верошпирон ва эплеренонни фиброз маркерларига таъсир самарасини солиштирма баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида СЮЕ негизда ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморлар стандарт давосига кирувчи МКРА верошпирон ва эплеренонни антифибротик таъсирлари самарадорлиги солиштирма таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг ушбу босқичида 120 нафар беморларда СЮЕ негизда ривожланган кардиоренал синдромда миокардиал ва буйрақлардаги фиброз жараёнлари кўрсаткичларига патогенетик даво самарадорлигини ўргандик. Беморлар клиник - гемодинамик ҳолати ва ЭхоКГ текширув натижаларига кўра, 3 гуруҳга ажратилиб, ҳар бир гуруҳ ўз навбатида иккитадан кичик гуруҳларга ажратилди. Биринчи кичик гуруҳлар 20 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларга стандарт даво негизда антифиброз даво сифатида верошпирон 50-100 мг буюрилди. Иккинчи кичик гуруҳларга эса (ҳар бири 20 нафар) стандарт даво негизда эплеренонни кунда 25-50 мг қабул қилган беморлар ташкил этдилар. Тадқиқотимиздаги 1-гуруҳ беморларининг верошпирон буюрилган кичик гуруҳида комплекс муолажалардан кейин умумий холсизлик ($p>0,05$), бош оғриғи ($p>0,05$), кўнгил айниши ($p>0,05$), иштаҳа пасайиши ($p>0,05$) ва тери қичишиши ($p>0,05$) каби клиник белгиларда ишончли ўзгариш кузатилмади. Қолган барча клиник кўрсаткичлар даволашдан кейин ишончли ($p<0,05$ ва $p<0,01$) ижобий томонга ўзгарди.

Ушбу гуруҳнинг эплеренон буюрилган кичик гуруҳида эса фақат бош оғриғи ($p>0,05$) ва иштаҳа пасайиши ($p>0,05$) каби белгилар бўйича муолажалардан сўнг ижобий ўзгаришлар қайд этилмади.

СЮЕ чап қоринчани қон отиш фракцияси қисман пасайган ва кардиоренал синдром билан кечаётган 2-гуруҳ беморларининг верошпирон буюрилган кичик гуруҳида комплекс муолажалардан кейин кўнгил айниши ($p>0,05$), қусиш ($p>0,05$), иштаҳа пасайиши ($p>0,05$) ва тери қичишиши ($p>0,05$) каби клиник белгиларда ишончли ўзгариш кузатилмади. Қолган барча клиник кўрсаткичлар даволашдан кейин ишончли ($p<0,05$ ва $p<0,01$) ижобий томонга ўзгарди.

Эплеренон буюрилган кичик гуруҳда эса фақат кўнгил айниши ($p>0,05$) каби белгилар бўйича муолажалардан сўнг ижобий ўзгаришлар қайд этилмади. Қолган барча белгилар бўйича ишончли ижобий томонга ўзгарганлиги аниқланди.

СЮЕ чап қоринчани қон отиш фракцияси сақланган ва кардиоренал синдром билан кечаётган 3- гуруҳнинг верошпирон буюрилган кичик гуруҳида комплекс муолажалардан кейин кўнгил айниши, оғиз қуриши, тери қичишиши, тез чарчаш, буйин веналари шиши ва кардиомегалия каби клиник белгилар ижобий томонга ўзгарганлиги аниқланган бўлсада, лекин ўзгаришлар ишончли бўлмади ($p>0,05$).

Эплеренон буюрилган кичик гуруҳда тунги йўтал хуружларидан ташқари барча белгилар бўйича ишончли ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, ҳар учала гуруҳ беморларида мавжуд клиник белгилар верошпирон ва эплеренон таъсири қиёсий ўрганилганда, ушбу дори воситалар самараси барча гуруҳларда ижобий кечиб, сўнги дори буюрилган гуруҳларда клиник белгиларнинг ижобий томонга силжиши яққол намоён бўлганлиги аниқланди. Ушбу ўзгаришлар эплеренонни юқори селектив таъсири билан боғлиқ деб баҳоланди.

Шу билан бирга МКРА вакиллари верошпирон ва эплеренонни СЮЕнинг турли гемодинамик типлари негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларнинг қон зардободаги Г-3, альдостерон ва TGF-β₁ миқдорига таъсир самарасини ўргандик (5-жадвал).

Верошпирон ва эплеренонни экстрацеллюляр матриксда коллаген алмашинуви мувозанати бузилишини англатувчи Г-3, альдостерон ва TGF-β₁ нинг гуруҳлар ўртасида самараси ўрганиш мобайнида ҳар иккала дори воситаси юқори ишончли самарадорликни намоён қилди. Шу ўринда ушбу ижобий ўзгаришлар эплеренон қабул қилган гуруҳларда юқори ишончли эканлигини кўрсатди. Бу эплеренонни қатор экспериментал кузатувларда кўрсатилган юқори антифиброз самарадорликка эга эканлигини тасдиқлайди. Айрим тадқиқотларда МКРА фиброзга боғлиқ молекулалар ишлаб чиқарилишига тўсқинлик қилиши тўғрисида хулосалар берилган. Бунда эплеренонни юрак фиброз жараёнларига ижобий таъсирини хитойлик олимлар каламушларда ўтказилган экспериментал тадқиқотларида исботлаб беришган (Lili Du, Mu Qin et. all-2017).

5-жадвал

Гуруҳлар ўртасида даво муолажаларини фиброз маркерларига таъсири динамикаси

Кўрсаткичлар	Даволаш даврлари	ЧҚҚОФ паст СЮЕ, 1 – гуруҳ, n=40		ЧҚҚОФ қисман пасайган СЮЕ, 2 – гуруҳ, n=40		ЧҚҚОФ сақланган СЮЕ, 3 – гуруҳ, n=40	
		Стандарт даво негизида верошпирон қабул қилган беморлар n=20	Стандарт даво негизида эплеренон қабул қилган беморлар n=20	Стандарт даво негизида верошпирон қабул қилган беморлар n=20	Стандарт даво негизида эплеренон қабул қилган беморлар n=20	Стандарт даво негизида верошпирон қабул қилган беморлар n=20	Стандарт даво негизида эплеренон қабул қилган беморлар n=20
Галектин-3 нг/мл	олдин	23,2±0,25	21,9±0,28	19,8±1,2	19,2±0,35	20,5±0,36	17,9±0,19
	кейин	18,3±1,3**	16,2±1,2***	14,2±1,1**	15,3±1,2**	14,8±1,3***	14,5±1,1**
Альдостерон пг/мл	олдин	576,3±22,9	557,6±24,6	530,4±21,9	528,6±21,3	486,7±22,5	484,3±21,4
	кейин	312,4±14,3***	322,2±15,1***	302,4±14,1***	298,6±14,4***	245,3±15,4***	251,2±15,3***
TGF-β ₁ пг/мл	олдин	2672,2±7,2	2676,4±6,8	2621,6±6,2	2619,0±8,1	2544,5±3,3	2538,4±4,1
	кейин	1263,1±6,1***	1240,3±6,3***	1123±5,2***	1112±5,4***	1110±4,2***	1104±4,3***

Изоҳ: *- даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан ишончлилиги: * - p<0,05; ** - p<0,01; *** - p<0,001.

Шунингдек, тадқиқотимиз гуруҳлар ўртасида верошпирон қабул қилган гуруҳ беморларда дори воситаларининг ноўжўя таъсири бўйича эплеренон қабул қилган гуруҳларга нисбатан ишончли даражада кўп учраши қайд этилди.

ХУЛОСАЛАР

«Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромда фиброз жараёнлари ривожланишида альдостерон-синтеза гени полиморфизмининг аҳамияти» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сурункали юрак етишмовчилиги турли гемодинамик типлари негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларда Г-3, альдостерон ва TGF- β_1 миқдорини чап қоринча қон отиб бериш фракцияси пасайиб борган сари уларнинг қон зардобидаги улуши ошиб бориши (яъни мос равишда, биринчи гуруҳда $25,04 \pm 0,18$ нг/мл, $717,9 \pm 16,6$ пг/мл ва $2673,0 \pm 4,8$ пг/мл, иккинчи гуруҳда $23,43 \pm 0,23$ нг/мл, $657,03 \pm 15,1$ пг/мл ва $2620,5 \pm 6,6$ пг/мл, учинчи гуруҳда $20,81 \pm 0,2$ нг/мл, $607,0 \pm 15,6$ пг/мл ва $2541,2 \pm 2,7$ пг/мл) гуруҳлар ўртасида фарқлар юқори ишончилиги ($p < 0,001$) қайд этилди. Бу фиброз жараёнларни нафақат юрак, балки буйрак ва бошқа ички аъзоларга тарқалганлиги билан ҳам боғлиқ.

2. Кардиоренал синдром мавжуд беморларда касалликнинг ноҳуш кечишини англатувчи альдостеронни TGF- β_1 ва Г-3 билан корреляцион боғлиқлиги ўрганилганда, ҳар учала гуруҳ беморлари ўртасида (мос равишда $r=0,35$, $r=0,26$ $r=0,27$ ва $r=0,65$, $r=0,52$ ва $r=0,62$) ижобий корреляцион боғлиқликни намоён қилди ($p < 0,001$).

3. Кардиоренал синдромда CYP11B2 генининг C344T полиморфизмини TT генотиби ва T аллели кардиоренал синдром юзага келиши, ноҳуш кечишини англатиши, шунингдек, TT генотиби ($p=0,0023$) касалликни оғир кечиши билан ҳамоҳанглиги қайд этилди.

4. СЮЕ турли гемодинамик типлари негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларда CYP11B2 гени C344T полиморфизмини CC генотипини ташувчиларда CT ва TT генотипини ташувчи беморларга нисбатан қон зардобидаги альдостерон миқдорини паст бўлиши аниқланди ($p < 0,01$).

5. Сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморларни даволашда стандарт муолажалар негизида МКРА вакили эплеренон препаратини кунда 25-50 мг дан буюрилиши қон зардобидаги фиброз жараёнларини жадаллигини пасайтириб, клиник-лаборатор кўрсаткичларига ижобий таъсири аниқланиб, верошпиронга нисбатан ноўжўя таъсири кам ($p < 0,001$) намоён бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

САЙФУЛЛАЕВ МИРФУЗАИЛ БАХТИЁРОВИЧ

**ЗНАЧЕНИЕ ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНОВ АЛЬДОСТЕРОН-СИНТЕЗЫ В
РАЗВИТИИ ФИБРОЗНЫХ ПРОЦЕССОВ ПРИ КАРДИОРЕНАЛЬНОМ
СИНДРОМЕ, РАЗВИВШЕМСЯ НА ФОНЕ ХРОНИЧЕСКОЙ
СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/Tib2679.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Туракулов Рустам Исмагуллаевич
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
доктор медицинских наук, профессор

Сабилов Максуд Атабаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский Государственный Медицинский институт

Защита диссертации состоится « ___ » _____ 2023 г. в _____ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2023 год.
(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2023 года)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А..Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Хроническая сердечная недостаточность (ХСН) является одним из наиболее распространенных сердечно-сосудистых заболеваний в мире. В последние годы «...в европейских странах среди населения выявлено более 2% клинически выраженных декомпенсированных случаев ХСН, а в других популяционных обследованиях частота его встречаемости составила 4%»¹. Кардиоренальный синдром является одним из коморбидных состояний, отягощающих течение ХСН. В то же время незначительное снижение функции почек отягощает течение сердечных патологий, вызывая осложнения и резкое повышение риска летального исхода. Отмечено также, что снижение сократительной способности миокарда является фактором риска, негативно влияющим на функцию почек. Существуют различные взгляды на патогенез и течение развития кардиоренального синдрома при ХСН, что требует глубокого изучения этой проблемы. Специфическое течение кардиоренального синдрома на фоне ХСН, роль фиброзных процессов в его патогенезе, необходимость ранней диагностики, эффективного лечения и профилактики являются актуальными проблемами медицины.

